

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Үн.20.02 РАҚАМЛИ ИЛМӢЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИМУРАТОВА ГУЛНАЗ МУРАТ ҚИЗИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲОКИМИЯТИНИ
ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи

ЮРИДИК ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Doctor (PhD) Dissertation Abstract

Бердимуратова Гулназ Мурат қизи

Қорақалпоғистон Республикасида суд ҳокимиятини ислоҳ қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари.....3

Бердимуратова Гулназ Мурат қизи

Конституционно-правовые основы реформирования судебной власти в Республике Каракалпакстан.....23

Berdimuratova Gulnaz Murat qizi

Constitutional and legal framework for reforming the judiciary of the Republic of Karakalpakstan.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Үн.20.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕРДИМУРАТОВА ГУЛНАЗ МУРАТ ҚИЗИ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУД ҲОКИМИЯТИНИ
ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

**12.00.02. – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**ЮРИДИК ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Филсофа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Yu293** рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резоюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.karsu_info@edu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хусинов Озод Гўлшайбаевич
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Селиманова Светлана Михайловна
юридик фанлар доктори, профессор

Олламов Яраш Юлдашевич
юридик фанлар номзоди, доцент

Ўтақчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Yu.20.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “23” январь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, 1 жой. Тел.: (99361) 223-60-49; Факс: (361) 223-60-49; e-mail: karsu_info@gmail.ru).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (23 рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Ч.Абдиров кўчаси, №1 жой. Тел.: (99361) 223-60-49, Факс: (361) 223-60-49).

Диссертация автореферати 2021 йил 11 январь куни тарқатилди.

(2021 йил 11 январдаги “1” рақамли реестр баённомаси).



Е.Д.Кутыбаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

А.М.Иматов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, юридик фанлари бўйича филозофия доктори (PhD)

К.У.Умарова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котибдаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилишига йўл қўймаслик, одил судловни амалга ошириш ҳамда соҳада демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, бу масалалар глобаллашув жараёнининг чуқурлашиб бориши шароитида янада долзарблашиб бормоқда. Мазкур йўналишда суд ҳокимиятининг ҳокимият тизимидаги мавқеини кучайтириш, судловнинг мустақиллигини таъминлаш, суд ҳокимиятини амалга оширувчи суд органлари тизимини ҳам доимий равишда такомиллаштириш устуворлик касб этмоқда.

Жаҳонда суд ҳокимияти фаолиятини самарали ташкил қилиш ҳамда суд тизими конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида илмий-тадқиқотларга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Мазкур йўналишда, жумладан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш тамойилларини такомиллаштириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш, суд фаолияти самарадорлиги ва нуфузини ошириш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, суд ҳокимияти ва жамият ўртасидаги сифатли мулоқотни йўлга қўйиш, суд муҳокамасининг ошкоралиги ва судлар фаолиятига доир ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишга қаратилган тадқиқотлар устувор даражада амалга оширилмоқда.

Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш ва унинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари”¹ каби бандида муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада жазоларни ва бошқа жиноий-ҳуқуқий чораларни ижро этиш тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтириш ҳамда одил судловни амалга ошириш устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш, судлар раислари ва судьяларни лавозимларига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш ваколатини такомиллаштириш каби йўналишлардаги тадқиқотлар долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 24 июндаги ПФ-6034-сон “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

йил 24 июлдаги ПҚ-4096-сон «Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 12 мартдаги ПҚ-4236-сон «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувининг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий масалалари, ҳокимиятлар бўлининининг конституциявий принциплари, ҳокимиятлар тармоқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, суд ҳокимиятининг ҳуқуқий роли, вазифалари ва фаолиятини ошириш масалалари: Х.Т.Адилқариев, С.К.Абдураззоқов, А.А.Азизхўжаев, А.Аъзамхўжаев, Ғ.Абдумажидов, М.Бойдадаев, З.Воҳидов, Г.Е.Ерниязова, З.М.Исламов, Е.Д.Кутыбаева, Х.А.Кабулов, Ф.Ф.Муҳитдинова, С.Д.Ниетуллаев, Ҳ.Т.Одилқориев, М.Х.Рустамбоев, А.Х.Саидов, С.М.Селиманова, И.Т.Тулътеев, У.Т.Тожиҳонов, Қ.У.Умарова, Ш.З.Уразаев, З.М.Усманов, Ш.О.Умарова, О.Т.Хусанов, И.А.Хамедов каби ҳуқуқшунос олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимларидан: Е.Б.Абросимова, У.Андреева, В.И.Анишина, М.Ф.Вяткин, Н.Г.Ильинская, А.А.Капикранян, Н.М. Коркунов, Н.А.Колоколов, Н.И. Лазарев, П.К.Лысов, В.М.Лебедева, В.А.Лазарева, Л.В.Лазарева, Н.И.Матузова, А.А.Огадзе, И.Л.Петрухина, В.А.Ржевский, Ю.Н.Старилов, И.Ю.Сахаровский, Л.Фридман, А.А.Шейшеева, Е.А.Шелест каби олимлар томонидан суд ҳокимиятининг конституциявий ҳуқуқий мақоми, суд фаолиятидаги муаммолар, суд ҳокимиятининг ҳокимиятларнинг бўлиниши тизимидаги ўрни ва аҳамияти масалалари илмий жиҳатдан ўрганилган.

Мазкур ишларда суд ҳокимиятини ислоҳ қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари хусусан, унинг давлат ҳокимияти тизимида тутган ўрни, ваколатлари, таркибини шакллантиришнинг ҳуқуқий механизми ва бошқа давлат органлари билан муносабатларининг ҳуқуқий асослари ва тартиби билан боғлиқ муаммолар алоҳида комплекс тарзда тадқиқ этилмаган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги

Диссертация тадқиқоти Қорақалпоқ давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Қорақалпоғистон Республикасида давлат

ҳокимияти органларини ислоҳ қилишнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари” (2019-2020 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикасида суд ҳокимиятини ислоҳ қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистон мустақиллиги даврида Қорақалпоғистон Республикаси суд ҳокимиятининг шаклланиш жараёнини кўрсатиб бериш;

суд тизимида Қорақалпоғистон Республикаси суверенитети акс этишини кўрсатиш;

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон суд тизимидаги ўзаро муносабатларни аниқлаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси суд тизимида Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг таъсирини кўрсатиш;

хориж тажрибасини ўрганиш орқали суд ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва тизимини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил этиш асосида Қорақалпоғистон Республикасида суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш жараёни ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистон Республикасида суд ҳокимияти фаолиятини амалга ошириш борасидаги илмий қарашлар, мазкур соҳани тартибга солишга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалиёт натижалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда билишнинг диалектик, таҳлил, умумлаштириш, қиёсий-ҳуқуқий, мантиқий, тарихий, статистик, тизимли-тузилмавий, формал-юриметодларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қарорлари, Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий ҳокимият органлари қарорлари устидан конституциявий назоратни кучайтириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий судини ташкил қилиш зарурияти асослаб берилган;

Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаш доирасида суд-ҳуқуқ муносабатларини назорат қилишнинг ўзига хос тури сифатида жазоларни ва бошқа жиноий-ҳуқуқий чораларни ижро этиш тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтириш таклифи асослантилган;

суд ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий моҳиятини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида одил судловни амалга ошириш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқароларни фаол жалб қилиш зарурлиги исботланган;

суд ҳокимияти шаклланиши ва фаолият кўрсатиши самарадорлигини ошириш шароитида Жўқорғи Кенгесининг Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман,

шаҳар судларининг раислари ва судьялари лавозимларига тайинлаш ва лавозимдан озод этиш ваколатини Жўқорғи Кенгес Президиумига ўтказиш асослаб берилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“суд ислоҳоти”, “суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва дахлсизлиги”, “суд назорати”, “суд тизимининг бирлиги”, “суд тизимининг асосий хусусиятлари” каби тушунчаларга муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

тадқиқот натижасида жазони ижро этувчи органлар ва муассасалар фаолияти устидан суд назоратининг ҳуқуқий базасини кенгайтириш зарурлиги асослаб берилган;

суд тизимини шакллантиришнинг янада самарали механизмини яратиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига қўшимча киритиш таклифи ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистондаги амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари босқичлари белгилаб олинган;

тадқиқот натижасида Қорақалпоғистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Қонун концепцияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда фойдаланилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расмий манбалардан олингани ҳамда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг апробациядан ўтказилгани, илмий натижалардан Қорақалпоғистон Республикаси суд фаолияти амалиётида фойдаланилганлиги, тадқиқот натижалари ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсияларда келгусида суд ҳокимияти фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан илмий изланишлар олиб боришда, қонун ижодкорлигида, суд ҳокимиятига оид қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда Конституциявий ҳуқуқ ва Қорақалпоғистон Республикаси суд ҳокимияти ва жараёни каби фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти суд ҳокимияти фаолиятини тартибга солишдаги қонун ҳужжатларини қўллаш амалиётида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактабида судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш жараёнида ҳамда Конституциявий ҳуқуқ ҳамда Давлат ва ҳуқуқ назарияси фанларини ўқитишда, суд ҳокимиятига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш ва уларни такомиллаштиришга хизмат қилишида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикасида суд ҳокимиятини ислоҳ қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишга доир тадқиқот натижалари асосида:

Қорақалпоғистон Республикаси Конституциявий судини ташкил қилиш, суд-ҳуқуқ муносабатларини назорат қилишнинг ўзига хос тури сифатида жазоларни ва бошқа жиноий-ҳуқуқий чораларни ижро этиш тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтиришга доир таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-Ижроия кодексининг 43-моддаси ва 46-моддаларининг мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг 2020 йил 6 июлдаги 17/1–20-573 - сон маълумотномаси). Натижада суд ҳукми ва бошқа жиноий-ҳуқуқий чоралар ижроси устидан назоратни амалга оширувчи давлат органларининг мансабдор шахслари, маҳкумлар ва бошқа шахсларнинг, жазоларни ва бошқа жиноий жазоларни ижро этувчи органлар ва муассасаларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан шикоятини суд томонидан кўриб чиқилишига эришилган;

Қорақалпоғистон Республикасида одил судловни амалга ошириш устидан жамоатчилик назоратини ривожлантиришда фуқароларнинг фаол иштирокига доир таклиф ва тавсиялардан "Конституциявий ҳуқуқ" номли ўқув қўлланмани ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 14 августдаги 418-сон буйруғи, 418-246 рақамли гувоҳнома). Натижада 5240100 - юриспруденция (ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш" таълим йўналиши талабаларининг суд-ҳуқуқ жараёнидаги ислохотлар тўғрисидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларга эга бўлишига эришилган;

Жўкорғи Кенгеснинг Қорақалпоғистон Республикаси судларининг судьялари, Қорақалпоғистон Республикаси туманлараро, туман, шаҳар судларининг раислари ва судьялари лавозимларига тайинлаш ва лавозимидан озод этиш ваколатини Жўкорғи Кенгес Президиумига ўтказишга доир таклифлардан Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 85-моддаси 8-банди ва 70-модда 8-бандига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишда инobatга олинган. (Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесининг Қонунийлик, суд-ҳуқуқ ва коррупцияга қарши курашиш масалалари кўмитасининг 2020 йил 25 августдаги 03-380-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф суд тизимини шакллантиришнинг янада самарали механизмини яратишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг «Ҳуқуқшунослик» кафедрасида, шунингдек, 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, илмий журналларда 7 та (4 та хорижий нашрларда) ҳамда тўпламлар таркибида 7 та илмий мақола эълон қилинган (5 таси республика ва 2 таси халқаро конференцияларда), 1 та ўқув қўлланма ва 1 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 9 та параграфни ўз ичига олувчи 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 151 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланиб, уларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг устувор йуналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон мустақиллиги даврида Қорақалпоғистон Республикаси суд ҳокимиятининг шаклланиши**» номли биринчи боби учта параграфни ўз ичига олади. «Суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида» номли биринчи параграфда суд ҳокимиятининг ҳокимиятлар бўлиниши тизимидаги ўрни аниқлаштирилган, суд ҳокимияти тушунчасининг назарий жиҳатлари очиб берилган, суд ҳокимиятининг давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқларига нисбатан тутган ўрни таҳлил қилинган.

Суд ҳокимиятининг вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, Қорақалпоғистон Республикасининг конституциявий асосларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳисобланиши таърифланган.

«Суд ҳокимияти» термини ҳокимиятлар бўлиниши принципи туфайли юзага келган. Ўзбекистоннинг ҳозирги қонунчилиги ва юридик адабиётларида бундай терминнинг пайдо бўлиши унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва мос равишда Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясига киритилиши билан боғлиқ.

Давлат ҳокимиятининг бирлиги билан бир қаторда, ҳар иккала республиканинг конституциясида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги иш юритиш ва ваколатларнинг ажратилганлиги принципи мустаҳкамлаб қўйилган.

Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши улар бир-биридан ажралган ҳолда фаолият кўрсатади деган тушунчани келтириб чиқармайди. Ушбу принципнинг моҳияти ва мақсади ваколатларнинг аниқлигини таъминлаш ҳамда барча ваколатлар ёки уларнинг катта қисми давлат ҳокимиятининг битта органи ё биргина мансабдор шахс кўлида тўпланиб қолишининг олдини олишда намоён бўлади. Шу боис бу принципга ҳокимиятларнинг қарама-қаршилиги эмас, балки қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органларининг биргаликда иш юритиши, ҳамкорлиги сифатида қарашимиз лозим.

Қорақалпоғистон Республикасининг конституциявий-ҳуқуқий мақоми, аввало, шу билан ажралиб турадики, у Ўзбекистон таркибидаги, ўз ҳудудида давлат ҳокимияти ва бошқарувининг марказий органлари ихтиёридаги ваколатлардан ташқари, тўлиқ давлат (қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд) ҳокимиятига эга республика ҳисобланади. Ўз тақдирини ўзи белгилаш

ҳуқуқини Ўзбекистон таркибидаги алоҳида республика шаклида рўёбга чиқарган халқ давлат ҳокимиятининг ягона манбаи саналади. Қорақалпоғистонда давлат ҳокимияти халқ манфаатини кўзлаб ва фақат Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан, ваколат берилган органлар томонидан амалга оширилади.

Диссертациянинг алоҳида параграфи Қорақалпоғистон Республикаси суд ҳокимияти тизимига бағишланган.

Ҳар қандай ҳуқуқий давлатда суд тизими давлат ҳимоясининг механизми сифатида улкан аҳамиятга эга бўлади. У алоҳида ҳакам ролини бажарар экан, ҳуқуқ билан тартибга солинадиган фаолиятнинг барча соҳаларини бир вақтнинг ўзида ҳимоя қилади. Суд ҳокимияти тизими ҳуқуқий тартибни ҳимоя қилиб, конституциявий тузум асосларининг мустаҳкамлигини таъминлайди.

“Суд тизими” тушунчасини олимлар турлича талқин қилади. Масалан, Д.Карповнинг фикрича, давлатнинг суд тизими Конституциявий, фуқаролик, жиноий, маъмурий ишларни кўрадиган, шу орқали қонунда белгиланган ҳуқуқий процедураларни қўллаб, ижтимоий зиддиятларни ҳал қилишнинг фақат ўзигагина тегишли функцияларини амалга оширадиган судлардан иборат².

Бизнингча, суд тизимига тўлиқроқ таъриф С.Разумов томонидан берилган: «Суд тизими – қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан мустақил фаолият кўрсатувчи, ягона суд тизимига кирувчи ва одил судловни амалга ошириш бўйича умумий вазифаларга, тузилиш ва фаолият юритиш принципларига эга ҳамда одил судлов орқали мустақил суд ҳокимиятини амалга оширувчи барча судларнинг мажмуидир»³. Бу тушунчалар Қорақалпоғистон суд тизимига ҳам мосдир.

Улар асосида биз суд ҳокимияти тизимининг куйидаги тушунчасини таклиф қиламиз: суд ҳокимиятини ташкил этиш шакли сифатида суд тизими деганда муайян давлат ҳудудида фаолият кўрсатувчи, алоҳида элементлари бир-бири билан, бошқа тизимлар ёки уларнинг алоҳида элементлари билан, шунингдек суд тизимининг бошқарув органлари билан ҳамкорликда иш олиб боровчи судлар мажмуи тушунилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг суд тизими Ўзбекистон Республикаси ягона суд тизимининг бир қисми сифатида тавсифланади.

Қорақалпоғистон умумий юрисдикция судлари тизимининг ягоналиги судларнинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишининг ягона принциплари, шунингдек, судьяларнинг бир хил мақоми, қонун билан белгиланган суд ишларини юритиш қоидаларининг барча судьялар учун мажбурийлиги, Ўзбекистон Олий суди томонидан умумий юрисдикция судлари қонунларни бир хил қўллаши кафолатланиши, Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида суд

² Карпов Д.В. Проблемы конституционно-правового гарантирования правозащитной функции судебной власти в Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. Н. Новгород, 2012.

³ Разумов С.Л. Понятие судебной системы / Судебная система России. - М., 2000. - С. 114.

қарорларининг бажарилиши мажбурийлиги, судлар фаолиятини ташкилий таъминлаш тартибининг ягоналиги билан таъминланади.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон конституциялари ва қонунларга мувофиқ суд тизими қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан ва бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Фавқулодда судлар тузиш тақиқланади. Амалда шунга эришиш учун тадбирлар ўтказилмоқда ва улар натижа бермоқда.

Диссертациянинг иккинчи боби суд ҳокимиятининг конституциявий-ҳуқуқий хусусиятини таҳлил қилишга бағишланган. Унда суд ҳокимияти ҳуқуқий моҳиятининг назарий масалалари кўриб чиқилган, суд ҳокимиятини ташкил этиш ва фаолиятининг асосий принциплари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси суд тизими ўзаро алоқаларининг асослари очиқ берилган.

Суд ҳокимиятининг ҳуқуқий хусусияти, аввало, суд фаолиятининг Конституцияда ифодаланган ва мустақамлаб қўйилган функционал вазифасига мослиги билан тавсифланади.

Суднинг жамиятдаги ўрни, ҳуқуқий масалалар ва низоларни ҳал қилиш борасида қонуний ҳуқуққа эгаллиги масаласи ўрганилганда, аввало, давлат ҳокимияти тизимидаги суд фаолиятининг асосларига, негизига эътибор қаратиш лозим. Давлат ҳокимияти механизмида суд алоҳида ўрин тутишига, нима учун айнан судга ҳуқуқий низоларни, фуқароларнинг тақдирини ҳал қилиш, Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликларни чеклаш, жамиятда адолат ва ҳуқуқий тартибни тиклаш, айбдорларни жазолаш топширилганига аниқлик киритилган. Шу боис ушбу масалани тадқиқ қилишда ҳар қандай суд фаолиятининг моҳияти ва аҳамиятини белгиловчи категориялар иерархиясида энг юқори поғонани эгалловчи «суд ҳокимияти» тушунчаси бош асос ҳисобланади.

Суд ҳокимиятининг моҳияти ҳақидаги қарашлар орасида В.Лазареванинг суд ҳокимиятини икки хил – ташкилий ва функционал йўналишлар орқали тушунишга олиб келувчи нуқтаи назари алоҳида ўрин тутди⁴. В.Лазарева суд ҳокимияти судлар ва суд тизими билан айнан бир нарса эмас – улар давлат ҳокимиятининг маълум бир қисмини ифодалайди, одил судловни амалга ошириш фаолияти билан ҳам бир нарса эмас – одил судлов давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг бир шаклидир, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, суд ҳокимияти – судларга тегишли, жамиятда юзага келувчи ҳуқуқий низоларни махсус процессуал шакл – «процессуал процедура»да махсус усуллар билан ҳал қилиш ҳуқуқи ва имкониятидир⁵.

Баъзи муаллифлар, масалан, Н.Колоколов ва Е.Рябцеванинг фикрича, суд ҳокимиятининг хусусияти ва моҳияти ҳалигача очиқ берилмаган⁶.

⁴ Лазарева В.А. Судебная власть и ее реализация в уголовном процессе. – Самара: Изд-во Самарский университет, 1999. – 136 с.

⁵ Лазарева В.А. Судебная защита в уголовном процессе Российской Федерации: проблемы теории и практики: Автореф. дис. ...докт. юрид. наук. – М., 2000. – 52 с.

⁶ Колоколов Н.А. Роль суда в механизме государственного управления. – М.: ИГ «Юрист», 2004. – 344 с.

В.Ржевский ва Н.Чепурнова эса «суд ҳокимияти»нинг умумий тушунчасини ишлаб чиқиш ҳалигача яқунига етказилмаган деб ҳисоблайди⁷. Ушбу фикрлар билдирилганига ўн йилдан зиёд вақт ўтган бўлса-да, улар бугунги кунда ҳам долзарбдир.

Диссертант “Суд ҳокимияти” тушунчасига нисбатан ёндашувларни умумлаштирган шаклда таҳлил қилар экан, суд ҳокимиятининг моҳиятини давлат ҳокимиятининг умумий назариясини ўрганиш орқали таҳлил этадиган, унинг ўзини махсус давлат муносабатлари тизими сифатида талқин қиладиган олимларнинг фикрига қўшилади⁸.

Шу жиҳатдан Л.Воскобитова берган таърифда суд ҳокимиятининг моҳияти аниқроқ акс этган: «Суд ҳокимияти – суд ишларини юритиш орқали процесс иштирокчилари ўртасида келиб чиққан ҳуқуқий низоларни ва суднинг ваколатига берилган бошқа масалаларни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш, айбдор шахсларга нисбатан жавобгарликни белгилаш ёки айбсиз шахсларни жавобгарликдан озод қилиш, ҳуқуқни қўллаш орқали давлатнинг ўзини ўзи тийиб туришини таъминловчи алоҳида давлат ҳокимиятидир»⁹.

Юқорида, диссертациянинг биринчи бобида таҳлил қилинганидай мустақил суд ҳокимияти – ўз устидан суд назоратини жорий этган давлат ўзини ўзи чеклашининг ҳуқуқий усулидир. Суд ҳокимиятига назорат функциясининг берилиши – ҳуқуқий давлатни шакллантиришдаги муҳим кадам. Бинобарин, суд назорати функцияси – ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгисидир. Суд ҳокимияти нафақат ҳуқуқий баҳс ва низоларни ҳал қилиш учун, балки ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқлари фаолиятини назорат қилиш учун ҳам керак. Шу маънода суд ҳокимияти мавжудлигининг ўзи ҳуқуқларни чеклашнинг таъсирли механизмини ўзида акс эттиради, бу, аввало, давлат ва маҳаллий ҳокимият органларининг ҳаракатлари ва қарорларининг қонунийлигига тегишли.

Диссертацияда жинойӣ жазоларни ижро этиш устидан суд назорати тушунчасига ҳукм чиқарилганидан сўнг амалга ошириладиган ва бир тарафдан, жинойӣ жазоларнинг ижро этилишини таъминлашга, бошқа тарафдан, жинойӣ жазоларни ижро этишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ноқонуний чекланишига йўл қўймаслигига қаратилган махсус назорат тури сифатида таъриф берилган.

Суд ҳокимиятининг энг муҳим асосларини аниқлаш ўрганилаётган ҳодисанинг моҳияти ва мазмунини ифодаловчи умумий қоидалар сифатида унга асос бўлган принциплар тизимини тадқиқ қилишни тақозо этади.

Адабиётларда суд ҳокимияти принциплари ва конституциявий принциплар кўпинча фарқланмайди. Бу суд ҳокимияти принципларини бир вақтнинг ўзида умумий принциплар сифатида кўриб чиқиш имконини беради.

⁷ Ржевский В.А., Чепурнова Н.М. Судебная власть в Российской Федерации: конституционные основы организации и деятельности. – М.: Юрист, 1998. – 216 с.

⁸ Стариков Ю.Н. Судебная власть в России: модель конституционно-правового регулирования // Российское государство и правовая система: Современное развитие, проблемы, перспективы / Под ред. Ю. Н. Старикова. – Воронеж: Изд-во Воронежского государственного университета, 1999. – С. 229.

⁹ Судебная власть / Под ред. И. Л. Петрухина. – М.: ООО «ТК Велби», 2003. – 720 с.

Одил судловни ташкил этишининг конституциявий принциплари – Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси конституцияларида мустақамланган, суд ишларини юритишнинг энг муҳим хусусиятлари, ташкил этилиши, моҳияти ва тартибини белгиловчи ҳуқуқий қоидалардир.

Диссертант фикрича, судларни ташкил этиш ва фаолиятининг асосий конституциявий принципларига қўйидагилар қиради: қонунийлик, судларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсунуши, барча шахсларнинг қонун ва суд олдида тенглиги асосида ишларни судда адолатли қўриш, суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқининг таъминланиши, айбсизлик презумпцияси, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчига ҳимояланиш ҳуқуқининг берилиши, шунингдек ҳамма судларда ишларнинг очиқ қўрилиши принциплари.

Фуқаролар учун одил судловдан фойдаланиш имкониятининг таъминланиши, одил судловнинг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланиши, суд қарорларини чиқаришда мустақиллик ва холислик принципининг амалга оширилиши - суд тизимини тараққий эттиришнинг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Европа судлари Маслаҳат кенгаши томонидан қабул қилинган 7-хулосанинг 15-бандида судлар мустақиллигининг энг яхши қафолати уларнинг жамоатни шакллантиришдаги фаол иштироки ҳисобланиши, бу судларнинг холислиги ҳақидаги талабга риоя қилишга тўсиқ бўлмадлиги қайд этилган¹⁰. Чунки одамларнинг суд тизими, одил судловнинг мустақиллиги ҳақидаги фикри шунга боғлиқ. Аммо бунда судларнинг маълумот базаларининг хавфсизлиги ва шахсий маълумотларнинг қўриқланиши; тарқатилиши қонун билан тақиқланган маълумотларнинг тарқалмаслиги таъминланиши керак. Яъни судлар фаолиятига оид *ахборотнинг очиқлиги принципи*га риоя қилиш ва ахборот маконидаги ҳимоя чоралари ўртасидаги мувозанат сақланиши лозим.

Суд тизимининг ошқоралиги принципини ислоҳ қилишнинг асосий ва тез амалга ошириладиган чораси сифатида судларнинг расмий сайтларида судларнинг информацион ва маърифий фаолияти ҳақида (масалан, фуқаролик жамияти ва суд ҳокимияти ўртасида очиқ информацион ҳамкорликни таъминлайдиган электрон одил судлов ҳақидаги) хабарлар бериб бориладиган саҳифалар очишни таклиф қиламиз.

Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси суд тизими ўртасидаги муносабатлар, аввало, судлар тизимининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасига мувофиқ тузилиши билан белгиланади, унга қўра, Ўзбекистон Республикаси суд тизимининг ягоналиги суд тизимининг ўрнатилиши билан таъминланади. Ўзбекистон Республикасида суд тизими Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди,

¹⁰ Консультативный совет европейских судей (КСЕС) подготовил данное Заключение на основании ответов государств-членов на вопросы анкеты и текстов, составленных Рабочей группой КСЕС и специалистом КСЕС в данной области Денисом САЛАСОМ (Франция). 2005 г.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, ҳарбий судлар, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар иқтисодий ва маъмурий судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари ва туман, шаҳар маъмурий судларидан иборат.

Диссертациянинг учинчи боби Қорақалпоғистон Республикаси суд ҳокимиятини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларига бағишланган. Чет мамлакатлар суд ҳокимиятининг тузилиши масалаларига алоҳида параграф ажратилган.

Замонавий давлатда ҳуқуқ шиддат билан ривожланмоқда, шундан келиб чиқиб, суд тизимини ҳам бошқа чоралар қатори тизимнинг ҳар хил бўғинларини бошқалари билан бирлаштириш орқали ривожлантириш тақозо этилмоқда. Айнан шу эҳтиёж миллий суд тизими ўзгаришлар даврига қадам қўйишига сабаб бўлди¹¹.

Суд тизимининг мамлакат мустақилликка эришганидан кейинги тараққиётини тавсифлаганда қайд этиш жоизки, республикада ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилди, бунда инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг ҳимоясига устувор аҳамият берилди.

1991 йилдан 2001 йилгача давом этган I босқич – Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси янги суд ҳокимияти тизимининг шаклланиш босқичи судларнинг янги ҳуқуқий базаси яратилгани (иккала республиканинг конституциялари, кодекслар, «Судлар тўғрисида»ги¹², «Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида»ги¹³ қонунлар қабул қилинди) билан ажралиб туради. Бу даврда апелляция институти жорий этилди, Конституциявий суд, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси, Судьялар ва адвокатлар ассоциацияси тузилди. Шу йиллари умумий юрисдикция судлари ихтисослаштирилди, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар тузилди, суд жараёнида ҳимоя ва айблов тарафининг тенглиги норматив ҳужжатларда мустаҳкамлаб қўйилди.

2001-2010 йилларни камраб олган II босқич – Қорақалпоғистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш босқичи суд тизимининг мустаҳкамланиши ва жинойат жазоларнинг либераллаштирилиши билан боғлиқ эди. Шу жумладан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазолар ҳамда ярашув механизми қўллана бошлади,

¹¹ Сахаровский И. Ю. Концепция развития судебной системы в России // Молодой ученый. — 2015. — №8. - С. 746-749.

¹² Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1993 г., № 10, ст. 367; Ведомости Олий Мажлиси Республики Узбекистан, 1995 г., № 9, ст. 193; 1997 г., № 2, ст. 56; 2001 г., № 1-2, ст. 10).

¹³ Настоящий Закон утратил силу в соответствии с постановлением Олий Мажлиси Республики Узбекистан от 30 августа 1995 г. № 104-I «О введении в действие Закона «О Конституционном суде Республики Узбекистан». (Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан, 1993 г., № 5, ст. 204)

мулкни мусодара қилиш жазо тури сифатида Жиноят кодексидан чиқариб ташланди, аҳолининг ночор қатламлари учун муддатлар қисқартирилди.

2007 йилда қабул қилинган «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонун¹⁴ тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низоларни қисқа муддатларда ва катта харажатларсиз ҳал қилиш имконини берди.

2008 йил шу билан ёдда қолдики, мамлакатда ҳимоя тизимини ислоҳ қилиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш жараёнида мазкур институтнинг таъсирини кучайтириш имконини берувчи Адвокатлар палатаси ташкил этилди, шунингдек, суд соҳасидаги ислохотларга кўмаклашувчи Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази тузилди.

2011 йилдан 2017 йилгача давом этган III босқичда Мамлакатни янада демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш концепциясини амалга ошириш доирасида суд-ҳуқуқ тизими либераллаштирилди. Бу даврда «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»¹⁵ (янги таҳрирда), «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»¹⁶, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»¹⁷, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги¹⁸ қонунлар қабул қилинди, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги¹⁹ қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Судьяларнинг мустақиллиги ва ижтимоий ҳимоясини анча кучайтирувчи бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва амалга оширилди.

2017 йилда бошланиб, ҳозиргача давом этиб келаётган IV босқичда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишни давом эттириш энг муҳим йўналиш сифатида белгиланган. Бу даврда суд фаолияти устидан жамоатчилик назоратини татбиқ қилиш ва кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатда суд соҳасида ўтказилаётган ислохотлар фуқароларимизга одил судловдан фойдаланиш ҳамда барчани қизиқтираётган баҳсли масалаларни ҳал қилиш имконини бермоқда. Гап кундан-кунга кўпроқ чиқарилаётган оклаш тўғрисидаги қарорлардагина эмас, фуқароларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончи ҳам ошиб бормоқда, буни судларда кўрилаётган ишлар сони тобора кўпаяётганида ҳам кўриш мумкин.

¹⁴ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2006 г., № 42, ст. 416; 2014 г., № 20, ст. 222; 2017 г., № 37, ст. 978; Национальная база данных законодательства, 30.01.2018 г., № 03/18/463/0634; 21.03.2019 г., № 03/19/531/2799.

¹⁵ Настоящий Закон принят в новой редакции в соответствии с Законом Республики Узбекистан от 24 декабря 2012 года № ЗРУ-342 «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «О нормативно-правовых актах».

¹⁶ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2012 г., № 52, ст. 585; 2016 г., № 17, ст. 173; 2017 г., № 36, ст. 943; Национальная база данных законодательства, 16.01.2019 г., № 03/19/597/4193.

¹⁷ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2014 г., № 20, ст. 221; 2015 г., № 32, ст. 425; 2016 г., № 52, ст. 597; 2017 г., № 37, ст. 978; Национальная база данных законодательства, 05.01.2018 г., № 03/19/575/3972.

¹⁸ Настоящий Закон принят в новой редакции в соответствии с Законом Республики Узбекистан от 11 сентября 2017 года № ЗРУ-445 «О внесении изменений и дополнений в Закон Республики Узбекистан «Об обращениях физических и юридических лиц».

¹⁹ Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2016 г., № 38, ст. 438; 2017 г., № 24, ст. 487, № 37, ст. 978.

Диссертациянинг мазкур бобининг учинчи параграфиди Қорақалпоғистон Республикаси суд тизимини такомиллаштириш масалалари, шунингдек, судлар фаолиятининг самарадорлигини ошириш муаммолари кўриб чиқилган.

Суд тизимини такомиллаштириш стратегияси олий мақсад ёки четдан ўзлаштирилган ғоялар асосига эмас, аввало, мавжуд суд тизимининг ҳолати ҳамда фуқароларнинг суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқи, судьяларнинг мустақиллиги ва суд ҳокимиятининг бошқа ҳокимият тармоқларидан мустақил фаолият юритишига оид конституциявий принципларнинг амалга оширилишига тўсқинлик қилувчи муаммолардан келиб чиқиб тузилиши лозим. Бошқача айтганда, муаммолар ҳам, уларнинг ечими ҳам бугунги суд тизимининг фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлиши керак.

Қорақалпоғистоннинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиб, номзод суд тизимининг қайси бўғини судьялигига талабгорлик қилаётганидан келиб чиқиб, судьялар корпусини шакллантиришнинг икки вариантдан фойдаланилса, мақсадга мувофиқ булар эди. Суд тизими (шаҳар, туман судлари) учун судьялар Жўқорғи Кенгес Президиуми томонидан тайинланишини жорий этиш, бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 70-моддаси 8-бандига қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ. Бунинг устига, амалиётда шундай тажриба бор.

Муаллиф фикрича, Қорақалпоғистонда Жўқорғи Кенгес томонидан сайланадиган Қорақалпоғистон Республикасининг Олий судини (унинг таркибида фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича ҳайъатлар фаолият кўрсатади) тузиш керак. Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг 85-моддаси 8-бандининг, 101-моддасига ўзгартиш киритиш таклиф этилади.

Бугунги кунда судларнинг жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишларга ихтисослаштирилиши жуда таъсирли ва фойдали бўлди. Бу йўналишдаги кейинги босқич Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида туманлараро судларнинг тугатилиши ва ҳар бир туманда фуқаролик ва иқтисодий ишлар бўйича судлар тузилиши мумкин.

